

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

**Абу Райҳон Беруний номи
Тошкент давлат техника университети**

ТЕХНИК ТЕРМОДИНАМИКА ВА ИССИСЛИК УЗАТИЛИШИ

ФАНИДАН МАСАЛАЛАР Тўплами

Тошкент 2006

Техник термодинамика ва иссиқлик узатилиши фанидан масалалар тўплами. Зокидов Р.А, Алимова М.М, Мавжудова Ш.С. Тошкент, ТошДТУ, 2006 – 121 б.

Масалалар тўпламида техник термодинамика ва иссиқлик узатилишида бўлиб ўтадиган жараёнлар, уларнинг асосий параметрлари, қолат ўзгаришлари тенгламалари, сув буғини қосил қилиш ва уни ишлатилиш цикллари, бир жисмдан иккинчи жисмга иссиқликни узатиш асослари ва қонунлари баён этилган ва шу мавзуларга доир масалалар келтирилган.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университети илмий-услубий кенгаш қарорига мувофиқ
чоп этилди.

Тақризчилар:

ЎРФА ФТИ «Селектив сопламалар ва
суёш-иссиқлик сурилмалари»
лабораторияси мудири, т.ф.д., проф.
ТошДУ «Иссиқлик энергетикаси»
кафедраси доценти, т.ф.н.,
Раҳимджанов Р.Т.

Авезов Р.Р.

© Тошкент давлат техника университети, 2006

Ў БО Ў

ЎОЛАТ ПАРАМЕТРАЛАРИ

Жисмнинг физик ўолатини ифодаловчи катталиқлар ҳолат параметрлари деб аталади. Ўолат параметрлари суйидагилардир: солиштирма ўажм, босим, ўорорат, ички энергия, энтальпия, энтропия ва бошқалар. Жисмни ўолатини ўзгартиришида кескин ўзгарувчи параметрлар босим, солиштирма ўажм, ўороратдир. Шу параметрларни кўриб чиқамиз:

Босим. Сиртнинг бирлик юзига тик таъсир этувчи кучга босим дейилади ва P ўарфи билан белгиланади.

$$\begin{aligned} 1 \text{ Па} &= 1 \text{ Н/м}^2; & 1 \text{ кПа} &= 10^3 \text{ Па}; \\ 1 \text{ МПа} &= 10^6 \text{ Па}; & 1 \text{ бар} &= 10^5 \text{ Па}; \end{aligned}$$

$$1 \text{ атм} = 760 \text{ мм сим.уст.} = 101325 \text{ Па.}$$

Тажриба ҳисоблашларида босимни ўлчашда техник атмосфера ишлатилади.

$$1 \text{ ат} = 1 \text{ кг/см}^2 = 10^4 \text{ кг/м}^2;$$

$$1 \text{ ат} = 10^4 \text{ кг/м}^2 = 0,981 \text{ бар};$$

$$1 \text{ бар} = 10^5 \text{ Н/м}^2.$$

Физик атмосфера - бу симоб устунининг баландлиги 760 мм, ҳарорати 0°C га тенг бўлган денгиз сатҳидаги босим деб тушунилади. Физик атмосфера - 1 атм белгиланади.

$$1 \text{ атм} = 760 \text{ мм.симоб уст.}$$

$$1 \text{ бар} = 750 \text{ мм.симоб уст.}$$

$$1 \text{ атм} = 10333 \text{ мм сув уст.}$$

Кўпинча босим бирор-бир суюқлик сатҳининг баландлиги билан ўлчанади. Бунда босим қуйидагича ўлчанади:

$$P = \rho \cdot g \cdot h, \quad (1.1)$$

бу ерда: ρ - зичлик;

g - эркин тушиш тезланиши;

h - суюқлик сатҳининг баландлиги.

Босим қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Мутлақ (абсолют) босим** - бу жисмга таъсир этувчи ўлиқ босимдир. У ҳеч қандай асбоб билан ўлчанмайди, балки ифода билан аниқланади.

Агар ортиқча босимни ўлчаб олсак, мутлақ босим қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$P_{\text{мут}} = P_{\text{бар}} + P_{\text{ман}} \quad (1.2)$$

Агар вакуум босимни ўлчаб олсак, мутлақ босим қўйидаги ифодадан аниқланади:

$$P_{\text{мут}} = P_{\text{бар}} - P_{\text{вак}} \quad (1.3)$$

2. **Барометрик босим** - бу атмосфера босими, у барометр билан ўлчанади - $P_{\text{бар}}$ ($P_{\text{атм}}$).

3. **Манометрик ёки ортиқча босим** - бу атмосфера босимидан юқори бўлган босим, у манометрлар билан ўлчанади- $P_{\text{ман}}$ ($P_{\text{орт}}$).

4. **Сийракланиш босими** - бу атмосфера босимидан кичик бўлган босимдир. Агар идиш ичидаги газнинг бир қисмини олиб ташласак, идиш ичида сийракланиш ҳосил бўлади. Бу босимни вакуумметр билан ўлчанади.

Босимнинг турли ўлчов бирликлари орасидаги нисбатни қўйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин.

1.1-жадвал

Бирлик-лар	Па	бар	кг к/см ²	мм сим.уст.	мм сув уст.
1 Па	1	10^{-5}	$1,02 \cdot 10^{-5}$	$7,5024 \cdot 10^{-3}$	0,702
1 бар	10^5	1,02	1,02	$7,5024 \cdot 10^2$	$1,02 \cdot 10^4$
1 кг/см ²	$9,8 \cdot 10^4$	1	1	735	10^4
1 мм сим.уст	133	$1,36 \cdot 10^3$	$1,36 \cdot 10^3$	1	13,6
1 мм сув.уст	9,8067	10^{-4}	$7,35 \cdot 10^{-2}$	$7,35 \cdot 10^{-2}$	1

Ҳарорат. Ҳарорат жисмнинг қизиганлик даражасини кўрсатадиган катталиқдир.

Ҳарорат икки хил бўлади:

1. Мутлақ ҳарорат - T , К.
2. Эмпирик ҳарорат- t , °С

Ҳозирги вақтда ишлатиладиган асосий ҳарорат шкалалари Кельвин шкаласи - Т, К, Цельсий шкаласи - t °C ва Фарангейт шкаласи - t, °F дир.

Турли ҳарорат шкалалари орасидаги боғланиш суйидагичадир:

$$\begin{aligned} t\text{ }^{\circ}\text{F} &= 1,8\text{ }t\text{ }^{\circ}\text{C} + 32 & t\text{ }^{\circ}\text{R} &= 0,8\text{ }t\text{ }^{\circ}\text{C} \\ T\text{ K} &= t\text{ }^{\circ}\text{C} + 273,15 & t\text{ }^{\circ}\text{Ra} &= 1,8\text{ } (t\text{ }^{\circ}\text{C} + 273,15) \end{aligned}$$

Солиштирама қажм. Модданинг **солиштирама қажми** модданинг масса бирлигида эгаллаган қажмидан иборат. Солиштирама қажм - v жисм массаси М бўлса, тўлиқ қажм V билан ифодаланса, қуйидаги нисбат билан аниқланади:

$$v = \frac{V}{M} ; \quad \text{м}^3/\text{кг} \quad (1.4)$$

Модданинг солиштирама қажми, одатда м³/кг ҳисобида ўлчанади.

З и ч л и к. Қажм бирлигидаги модда массасидир.

$$\rho = \frac{M}{V} , \quad \text{кг}/\text{м}^3 . \quad (1.5)$$

Масалалар

1. 1 м³ метаннинг массаси маълум шароитларда 0,7 кг га тенг. Шу шарт-шароитларда метаннинг зичлиги ва солиштирама қажмини анисланг.

Берилган:

$$V = 1 \text{ м}^3$$

$$M = 0,7 \text{ кг}$$

$$\rho - ?$$

$$v - ?$$

Ечиш:

$$v = \frac{V}{M} = \frac{1}{0,7} = 1,4258 \quad \text{м}^3/\text{кг}$$

$$\rho = \frac{1}{v} = \frac{1}{1,4258} = 0,7 \quad \text{кг}/\text{м}^3$$

5

2. Ҳавонинг зичлиги маълум шароитларда 1,293 кг/м³ га тенг. Шу шароитларда ҳавонинг солиштирма ҳажмини аниқланг.

Берилган:

$$\rho = 1,293 \text{ кг}/\text{м}^3$$
$$v = ?$$

Ечиш:

$$\rho = \frac{1}{v}; \quad v = \frac{1}{1,293}; \quad v = \frac{1}{1,293} = 0,773 \quad \text{м}^3/\text{кг}.$$

3. Ҳажми 0,9 м³ бўлган идишнинг ичида 1,5 кг СО гази жойлашган. Шу газнинг солиштирма ҳажми ва зичлигини аниқланг.

Берилган:

$$V = 0,9 \text{ м}^3,$$

$$M = 1,5 \text{ кг}$$

$$v - ?, \rho - ?$$

$$v = \frac{V}{M} = \frac{0,9}{1,5} = 0,6 \text{ м}^3/\text{кг}$$

$$\rho = \frac{1}{v} = \frac{1}{0,6} = 1,66 \text{ кг}/\text{м}^3.$$

4. Ҳавонинг босими барометр орсали 770 мм.сим.уст.га тенг. Бу қўрсаткич 0 °С да олинган. Мана шу босимни Н/м² ва (бар) катталикларда ифодаланг.

Берилган:

$$P = 770 \text{ мм.сим.уст.}$$

$$\frac{t = 0^{\circ}\text{C}}{H/\text{m}^2 \text{ (бар)}}=?$$

Жавоб: 1,2 бар; $1,02 \cdot 10^5 \text{ н/м}^2$.

5. Буғ сезонида босим $P = 0,04 \text{ МПа}$, барометрик босим 725 мм сим.уст.га тенг бўлганда мутлас (абсолют) босимни топинг.

Жавоб: $P_{\text{мут}} = 136660 \text{ Па}$.

6. Буғ сезонидаги буғнинг қарорати 350 F га тенг. Бу қароратни $^{\circ}\text{C}$ да ифодаланг.

Жавоб: $t = 510^{\circ}\text{C}$.

II БОБ ИДЕАЛ ГАЗ ҲОЛАТИ ТЕНГЛАМАСИ

Идеал газнинг ҳолат тенгламасини келтириб чиқариш учун идеал газнинг асосий қонунларини эсга оламиз.

Бойль-Мариотт ҳарорат ўзгармаганда солиштирма ҳажм билан мутлас босим орасидаги боғланишни аниқлаган. Бу қонун инглиз физиги Бойль томонидан 1664 йилда ва француз химиги Мариотт томонидан 1676 йилда очилган ва қуйидагича таърифланади: ҳарорат ўзгармаганда, босимлар нисбати, ҳажмлар нисбатига тескари пропорционал.

$$T = \text{const} ; PV = \text{const}$$

$$\frac{V_1}{V_2} = \frac{P_2}{P_1} \quad (2.1)$$

Гей-Люссак томонидан яна бир қонун яратилган бўлиб, у жисмнинг босими ўзгармаган ҳолни текширди.

Бу қонун, босим ўзгармаганда, мутлас ҳарорат билан солиштирма ҳажм орасидаги боғланишни ифодалайди ва қуйидагича таърифланади: босим

ўзгармаганда, солиштирма ҳажмлар нисбати, ҳароратлар нисбатига тўғри пропорционал:

$$\frac{V_1}{V_2} = \frac{T_1}{T_2} \quad (2.2)$$

Қўрилган қонунлардан шу нарсга аён бўлдики, ҳар бирида битта параметр ўзгармас бўлиб, қолган иккаласи орасида боғланиш аниқланган. Ҳар уччала параметр орасидаги боғланиш эса қуйидаги қўринишга эга.

$$(p, v, T) = 0 \quad (2.3)$$

Бу боғланишни аниқлаш газларнинг молекуляр-кинетик назариясига асосланган. Унда шундай дейилади: босим газ молекулалари ўртача кинетик энергиясининг $2/3$ қисмига тўғри пропорционалдир.

Шунга асосланган ҳолда қуйидагича ёзамиз:

$$p = \frac{2}{3} \frac{n}{v} \overline{mw^2} \quad (2.4)$$

бунда: p - умумий босим;

n - молекулалар сони;

v - 1 кг газнинг ҳажми;

m - молекулалар массаси;

w - ўртача тезлик;

$\frac{\overline{mw^2}}{2}$ - молекулаларнинг ўртача кинетик энергияси.

Шу назарияга асосан, умумий ҳарорат ўртача кинетик энергияга тўғри пропорционал.

$$\frac{\overline{mw^2}}{2} = B \cdot T \quad (2.5)$$

бунда: T - мутлас қарорат;
 B - пропорционаллик коэффициент.

Шунга асосланган ҳолда қуйидагича ёзамиз.

$$PV = \frac{2n}{3} BT \quad (2.6)$$

Агар юқоридаги тенгламани газнинг икки ҳолати учун ёзадиган бўлсак, уларнинг ҳар бири учун қуйидагича ёзилади.

$$p_1 v_1 = \frac{2}{3} n B T_1 \quad \text{ва} \quad p_2 v_2 = \frac{2}{3} n B T_2 \quad (2.7)$$

Ифодани бўлиш натижасида қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{P_1 V_1}{T_1} = \frac{P_2 V_2}{T_2} \quad (2.8)$$

Бу тенгламадан шуни айтиш мумкинки, солиштира ҳажмнинг мутлас босимга бўлган кўпайтмасини мутлас ҳароратга бўлган нисбати ўзгармас сондир:

$$\frac{PV}{T} = \text{const} \quad (2.9)$$

Бу 1 кг газга келтирилган ўзгармас катталикини R билан белгилаб, газ доимийси деб атаймиз.

$$\frac{PV}{T} = R \quad \text{Ж/кгК} \quad (2.10)$$

$PV = RT$ - идеал газнинг ҳолат тенграмаси дейилади.

M кг газ учун ҳолат тенграмаси:

$$PV = MRT \quad (2.11)$$

1 кмоль газ учун ҳолат тенграмаси қуйидагича ёзилади:

$$pV_\mu = R_\mu \cdot T \quad (2.12)$$

R_μ - универсал газ доимийси:

$$8314 \left[\frac{\text{Ж}}{\text{кмоль} \cdot \text{К}} \right] = 8,314 \left[\frac{\text{кЖ}}{\text{кмол} \cdot \text{К}} \right]$$

Ҳар қандай газнинг газ доимийси қуйидагича аниқланади:

$$R = \frac{R_{\mu}}{\mu_{\text{газ}}} \quad (2.13)$$

μ - молекуляр масса.

Масалан:

Кислороднинг газ доимийси:

$$R_{O_2} = \frac{8314}{\mu_{O_2}} = \frac{8314}{32} = 260 \text{ Ж/кг} \cdot \text{К}.$$

Ҳавонинг газ доимийси:

$$R_{\text{гаво}} = \frac{8314}{\mu_{\text{гаво}}} = \frac{8314}{29} = 287 \text{ Ж/кг} \cdot \text{К}.$$

Масалалар

7. Агар манометрнинг кўрсаткичи $p=0,245$ мПа, босим барометр орқали $P_{\text{бар}} = 93,325$ Па (700 мм сим.уст.)га тенг бўлса, у ҳолда буғ қозонидаги мутлас босимни аниқланг.

$$\text{Жавоб: } P_{\text{мут}} = 0,33 \text{ МПа}$$

8. Симобли барометр билан ўлчанган ҳаво босими 765 мм сим.уст. га, ҳарорат $t=20^{\circ}$ С га тенг. Босимни Па га айлантиринг.

$$\text{Жавоб: } P_{\text{бар}} = 1,02352 \text{ Па}.$$

9. СО гази берилган б? либ, унинг босими 1 бар га, ҳарорати 15° С га тенг. Шу газнинг зичлигини топинг.

Берилган:

$$P=1 \text{ бар}$$

$$\frac{t=15^{\circ}\text{C}=288\text{ K}}{\rho=?}$$

Ечиш:

$$\rho = \frac{1}{v}, \quad p v = R T, \quad v = \frac{R T}{P} = \frac{297 \cdot 288}{1 \cdot 10^5} = 0,85 \text{ м}^3/\text{кг}$$

$$R_{\text{CO}} = \frac{R_{\text{м}}}{\mu_{\text{CO}}} = \frac{8314}{28} = 297 \text{ Ж/кг}\cdot\text{К}$$

$$\rho = \frac{1}{0,85} = 1,17 \text{ кг/м}^3$$

10. 1 кг азот 70°C ҳарорат ва 0,2 МПа босимда қандай ҳажмни эгаллайди?

Жавоб: $v=0,509 \text{ м}^3/\text{кг}$.

11. O_2 гази берилган бўлиб, унинг босими 23 бар га, ҳарорати 280°C га тенг. Кислороднинг солиштирма ҳажмини ҳисобланг.

Жавоб: $v=0,062 \text{ м}^3/\text{кг}$

12. Босими 0,5 МПа га эга бўлган қаво цилиндрда қаракатланади, унинг ҳажми $0,8 \text{ м}^3$ га тенг. Агар ҳарорат ўзгармаганда қавонинг босимини 0,8 МПа гача оширилса ҳажм қанчага ўзгаради?

Жавоб: $V=0,5 \text{ м}^3$

13. -20°C ли маълум миқдорли газнинг ҳажми, ҳарорати $+20^{\circ}\text{C}$ бўлган газнинг ҳажмидан неча марта кам? Босимни иккала ҳолда ҳам бир хил деб олинсин.

Жавоб: 1,16 марта.

III БОБ ГАЗ АРАЛАШМАСИ

Газ аралашмаси деб, бир неча компонентлардан ташкил топган аралашмага айтилади. Газ аралашмаси массавий ва қажмий улушда берилиши мумкин.

Массавий улуши - g m_2 билан белгиланади ва ҳар бир компонентнинг массасини аралашма массасига нисбати билан аниқланади.

$$m_1 = \frac{M_1}{M}; \quad m_2 = \frac{M_2}{M}; \quad m_3 = \frac{M_3}{M}; \quad m_n = \frac{M_n}{M} \quad (3.1)$$

(3.1) даги: M_1, M_2, M_n - газ аралашмасида газлар массаси;

M - газ аралашмасининг массаси.

Қажмий улуши - r билан белгиланади ва ҳар бир компонентнинг ҳажмини аралашманинг ҳажмига нисбати билан аниқланади:

$$r_1 = \frac{V_1}{V}; \quad r_2 = \frac{V_2}{V}; \quad \dots \quad r_n = \frac{V_n}{V} \quad (3.2)$$

(3.2) даги: V_1, V_2, V_n - газ аралашмасида ҳар бир газнинг қажми;

V - газ аралашмаси қажми.

$$M_1 + M_2 + \dots + M_n = M \quad (3.3)$$

$$m_1 + m_2 + \dots + m_n = 1 \quad (3.4)$$

$$V_1 + V_2 + \dots + V_n = V \quad (3.5)$$

$$r_1 + r_2 + \dots + r_n = 1 \quad (3.6)$$

Массавий улушни қажмий улушга ўтиш ифодаси қуйидагичадир:

$$r_i = \frac{\frac{m_i}{M_i}}{\sum_{i=1}^n \frac{m_i}{M_i}} \quad (3.7)$$

Худди шундай қажмий улушдан массавий улушга ўтиш ифодаси қам мавжуддир.

$$r_i = \frac{r_i \mu_i}{\sum_{i=1}^n r_i \mu_i} \quad (3.8)$$

Газ аралашмасининг зичлиги қуйидаги ифодадан аниқланади. Агар қажмий улушда берилса:

$$\rho_{ap} = \sum r_i \rho_i, \quad \text{кг/м}^3 \quad (3.9)$$

ёки массавий улушда берилса:

$$\rho_{ap} = \frac{1}{\sum_{i=1}^n \frac{m_i}{\rho_i}}; \quad \text{кг/м}^3 \quad (3.10)$$

Молекуляр оғирликни қуйидагича аниқланади. Қажмий улушда:

$$\mu_{ap} = \sum_{i=1}^n r_i \mu_i, \quad \text{кг/м}^3 \quad (3.11)$$

Массавий улушда:

$$\mu_{ap} = \frac{1}{\sum_{i=1}^n \frac{m_i}{\mu_i}}; \quad (3.12)$$

Газ доимийси қуйидагича аниқланади:

$$R_{ap} = \sum_{i=1}^n m_i R_i, \quad \text{Ж/кгК} \quad (3.13)$$

$$R_{ap} = \frac{8314}{\mu_{ap}} = \frac{8314}{\sum_{i=1}^n r_i \mu_i}; \text{ Ж/кгК} \quad (3.14)$$

Масалалар

14. Атмосфера ҳавоси тахминан суйидаги таркибга эга: $m_{O_2} = 23,2 \%$; $m_{N_2} = 76,8 \%$. Ҳавонинг ҳажмий таркибини, унинг газ доимийсини, молекулалар массасини ва ҳавонинг босими барометр бўйича $B = 101325 \text{ Па}$ бўлса, кислород ва азотнинг парциал босимини топинг.

Берилган:

$$M_{O_2} = 23,2 \%$$

$$M_{N_2} = 76,8 \%$$

$$B = 101325 \text{ Па}$$

$$R_{ap} - ?, M_{ap} - ?, r_{O_2} - ?$$

$$P_{O_2} - ?, P_{N_2} - ?, r_{N_2} - ?$$

Ечиш:

$$r_i = \frac{\frac{m_i}{\mu_i}}{\sum_{i=1}^n \frac{m_i}{\mu_i}} \quad \text{тенгламадан фойдаланиб, ҳажмий улушни}$$

аниқлаймиз:

$$r_{O_2} = \frac{\frac{m_{O_2}}{\mu_{O_2}}}{\frac{m_{O_2}}{\mu_{O_2}} + \frac{m_{N_2}}{\mu_{N_2}}} = \frac{\frac{23,2}{32}}{\frac{23,2}{32} + \frac{76,8}{28}} = 0,21$$

$$r = \frac{\frac{76,8}{28}}{\frac{23,2}{32} + \frac{76,8}{28}} = 0,79$$

$$R_{ap} = \sum_1^n m_i R_i \quad \text{Ж}/(\text{кг} \cdot \text{К}) \text{ тенгламадан}$$

$$R_{ap} = m_{O_2} R_{O_2} + m_{N_2} R_{N_2} = 0,232 \cdot 260 + 0,768 \cdot 295 = 287 \text{ Ж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$$

$$M_{ap} = \sum_{i=1}^n r_i \mu_i = r_{O_2} \mu_{O_2} + r_{N_2} \mu_{N_2} = 0,21 \cdot 32 + 0,79 \cdot 28 = 28,9$$

Парциал босимни қуйидаги тенгламадан топамиз:

$$P_i = r_i \cdot P$$

$$P_{O_2} = r_{O_2} \cdot P = 0,21 \cdot 101325 = 21278 \text{ Па}$$

$$P_{N_2} = r_{N_2} \cdot P = 0,79 \cdot 101325 = 80047 \text{ Па}$$

15. 1 м³ сурус қавода тахминан 0,232 м³ кислород ва 0,768 м³ азот бор. Қавонинг таркибини, унинг газ доимийсини ва парциал босимларини аниқланг.

Берилган:

$$V_{O_2} = 0,232 \text{ м}^3$$

$$V_{N_2} = 0,768 \text{ м}^3$$

$$m_{O_2} - ?, P_{N_2} - ?$$

$$R_{ap} - ?, P_{O_2} - ?$$

$$\text{Жавоб: } m_{O_2} = 0,232 = 0,232; m_{N_2} = 0,768 = 0,768;$$

$$R_{ap} = 287 \text{ Ж}/(\text{кг} \cdot \text{К}); P_{O_2} = 0,232 \cdot P_{ap}; P_{N_2} = 0,768 \cdot P_{ap}$$

16. Қурук ёнилғи мақсулотларининг қажмий таркиби CO₂=12,3%, O₂=7,2%, N₂=80,5% (таркибида сув буғи йўқ). Молекуляр массасини, газ доимийсини, қамда зичлиги ва мақсулотларнинг В=800°С қароратдаги солиштирма қажмини қисобланг.

$$\text{Жавоб: } M_{ap} = 30,3, R_{ap} = 274 \text{ Ж}/(\text{кг}\cdot\text{К});$$

$$V = 2,94 \text{ м}^3/\text{кг}; \rho_{ap} = 0,34 \text{ кг}/\text{м}^3.$$

17. Генератор газы куйидаги кажмий таркибга эга: $\text{H}_2=7,0\%$, $\text{CH}_4=2,0\%$, $\text{CO}=27,6\%$, $\text{CO}_2=4,8\%$, $\text{N}_2=58,6\%$. Шу газнинг 150°C ва $0,1 \text{ МПа}$ даги массавий улушларини, молекуляр оғирлигини, газ доимийсини, зичлиги ва парциал босимини аниқланг.

Берилган:

$$\text{H}_2=0,07$$

$$\text{CH}_4=0,02$$

$$\text{CO}=0,276$$

$$\text{CO}_2=0,048$$

$$\text{N}_2=0,586$$

$$t=150^\circ\text{C}$$

$$T=288 \text{ К}$$

$$P=0,1 \cdot 10^6 \text{ Н}/\text{м}^2$$

$$\mu_{ap}-?, \quad m_{\text{CH}_4}-?$$

$$m_{\text{H}_2}-?, \quad m_{\text{CO}_2}-?$$

$$m_{\text{CO}}-?, \quad \rho_{ap}-?, \quad 15$$

$$R_{ap}-?, \quad P_{\text{H}_2}-?, \quad m_{\text{N}_2}-?$$

Ечиш:

$$m_{\text{H}_2} = 0,005; \quad m_{\text{CH}_4} = 0,012;$$

$$m_{\text{CO}} = 0,268; \quad m_{\text{CO}_2} = 0,079;$$

$$m_{\text{N}_2} = 0,614; \quad R_{ap} = 311,29$$

$$\mu_{ap} = 26,72; \quad \rho_{ap} = 1,095;$$

$$P_{\text{H}_2} = 7 \text{ кПа}.$$

18. Кокс печининг газы куйидаги таркибга эга: $\text{H}_2=57\%$, $\text{CH}_4=23\%$, $\text{CO}=6\%$, $\text{CO}_2=2\%$, $\text{N}_2=12\%$. Газнинг молекуляр массаси, зичлиги, газ доимийси ва 150°C , 100 кПа даги парциал босимини топинг.

Берилган:

$H_2 = 0,57 \%$
 $CH_4 = 0,23\%$
 $CO = 0,06\%$
 $CO_2 = 0,02\%$
 $N_2 = 0,12\%$
 $T = 15^\circ C$
 $P = 100 \text{ кПа}$

$T = 2880 \text{ К}$

Жавоб: $\mu_{ар} = 10,77$; $m_{H_2} = 0,107$;
 $m_{CO_2} = 0,082$; $\rho_{ар} = 0,45 \text{ кг/м}^3$;
 $R_{ар} = 772 \text{ Ж/(кг·К)}$

19. Генератор гази қуйидаги қажмий қисмлардан таркиб топган: $H_2=18\%$, $CO=24\%$, $CO_2=6\%$, $N_2=52\%$

Генератор газининг газ доимийсини ва газ таркибининг массавий улушини аниқланг.

Жавоб: $R_{ар} = 342,32 \text{ Ж/(кг·К)}$; $m_{H_2} = 1,48 \%$;
 $m_{CO} = 27,83\%$; $m_{CO_2} = 10,86\%$; $m_{N_2} = 60,03 \%$.

20. Агар аралашманинг қажмий таркиби қуйидагича бўлса: $H_2O=6\%$, $CO=1\%$, $CO_2=12\%$, $O_2=7\%$, $N_2=74\%$ газ доимийси, солиштира қажми ва парциал босим аниқлансин. Умумий босим $P=100 \text{ кПа}$.

Жавоб: $R_{ар} = 281 \text{ Ж/кг·К}$; $V_{ар} = 0,76 \text{ м}^3/\text{кг}$;
 $P_{CO} = 1200 \text{ кПа}$; $P_{CO_2} = 12000 \text{ Па}$.

IV БОБ ГАЗЛАРНИНГ ИССИҚЛИК СИҒИМИ

Жисмнинг иссиқлик сиғими деб, унинг қароратини 1 градусга ошириш учун керак бўлган иссиқлик миқдорига айтилади.

Моддага нисбатан олинган иссиқлик сиғими солиштирма иссиқлик сиғими дейилади.

Солиштирма иссиқлик сиғими ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

а) массавий солиштирма иссиқлик сиғими, c , кЖ/(м·К) - бу 1 кг жисмни 1 градусга қизитиш учун керак бўлган иссиқлик миқдори;

б) қажмий солиштирма иссиқлик сиғими, c' , кЖ/(м³·К) - бу 1 м³ жисмни 1 градусга қизитиш учун сарф бўлган иссиқлик миқдори;

в) моляр солиштирма иссиқлик сиғими, μc , кЖ/(моль·К) - бу 1 моль жисмни 1 градусга қизитиш учун сарф бўлган иссиқлик миқдори.

Улар орасидаги боғлиқлик қуйидагича:

$$c = \frac{\mu c}{\mu} \quad c' = \frac{\mu c}{22,4} \quad (4.1)$$

бу ерда P_n - газнинг нормал шароитда зичлиги.

Иссизлик техникасида солиштирма иссиқлик сиғимини оддий қилиб иссиқлик сиғими деб аташ қабул қилинган.

Иссиқлик сиғими жисмнинг табиатига, унинг қароратига ва иссиқлик берилаётган ёки олиб кетилаётган жараённинг характериға боғлиқ.

Газларнинг иссиқлик сиғими қарорат ортиши билан ошади. t_1 дан t_2 гача

$$c = \frac{q}{t_2 - t_1} \quad (4.2)$$

Жисмнинг маълум бир (аниқ) қароратидаги иссиқлик сиғими ҳақиқий иссиқлик деб аталади.

$$\lim_{\Delta t \rightarrow \infty} \frac{dq}{\Delta t} = \frac{dq}{dt} \quad (4.3)$$

Газнинг ҳақиқий иссиқлик сиғимининг қароратга боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга:

$$c = a + bt + dt^2 + \dots, \quad (4.4)$$

бу ерда a , b , d - қар бир газ учун доимий бўлган коэффицентлар.

Амалий қисоб китоблардаги етарли аниқлик билан бу боғлиқликни тўғри чизиқли боғлиқлик кўринишида ифодалаш мумкин.

$$c=a+bt \quad (4.5)$$

t_1 - t_2 оралиғидаги ўртача иссиқлик сиғими

$$C \Big|_{t_1}^{t_2} = \frac{q}{t_2 - t_1} \quad (4.6)$$

Агар ўртача иссиқлик сиғимининг жадвал миқдори маълум бўлса, унда t_1 - t_2 оралиғидаги ўртача иссиқлик сиғими:

$$C \Big|_{t_1}^{t_2} = \frac{C \Big|_{t_0}^{t_2} t_2 - C \Big|_{t_0}^{t_1} t_1}{t_2 - t_1} \quad (4.7)$$

Газларнинг доимий босимдаги c_p ва доимий қажмдаги c_v иссиқлик сиғимлари алоқида ўринга эга.

Бу икки қолат учун иссиқлик сиғимининг қар хил миқдорлари тўғри келади: яъни қуйидаги қақиқий ва ўртача иссиқлик сиғимлари:

А. 1) доимий босимдаги моляр иссиқлик сиғими μc_{pm}

2) доимий қажмдаги моляр иссиқлик сиғими μc_{vm} ва $M c_{vm}$

Б. 1) доимий босимдаги массавий иссиқлик сиғимлари c_p ва c_{pm}

2) доимий қажмдаги массавий иссиқлик сиғимлари c_v ва c_{vm}

В. 1) доимий босимдаги қажмий иссиқлик сиғимлари c'_p ва c'_{pm}

2) доимий қажмдаги қажмий иссиқлик сиғимлари c'_v ва c'_{vm}

c_p ва c_v лар орасидаги боғлиқлик Майер формуласи орқали ифодаланиши мумкин.

$$\mu c_p - \mu c_v = R \quad (4.8)$$

ёки

$$\mu c_p - \mu c_v = \mu R = 8,314 \text{ кЖ (кмоль} \cdot \text{К)}$$

Худди шунингдек уларнинг нисбати ҳам иссиқлик сиғимида кенг қўлланилади.

$$\frac{c_p}{c_v} = \kappa \quad (4.9)$$

бу ерда κ - адиабатик кўрсаткич.

Газ аралашмасининг иссиқлик сиғимини қисоблаш иссиқлик баланси тенгламасига асосланган ва бунга асосан, аралашмага келтирилган иссиқлик, унинг компонентларига келтирилган иссиқлик миқдорининг йиғиндисига тенг.

а) Аралашманинг масса иссиқлик сиғими

$$C_{ap} = \sum_{i=1}^n m_i c_i \quad (4.10)$$

б) Аралашманинг қажмий иссиқлик сиғими

$$C_{ap} = \sum_{i=1}^n r_i c_i \quad (4.11)$$

в) Аралашманинг моляр иссиқлик сиғими

$$\mu C_{ap} = \sum_{i=1}^n r_i \mu c_i \quad (4.12)$$

Ишчи жисмнинг политропик жараёндаги иссиқлик сиғими

$$C = c_v \frac{n - \kappa}{n - 1} \quad (4.13)$$

бу ерда n - политропа кўрсаткичи.

Агар иссиқлик сиғими қароратга боғлиқ эмас деб қабул қилинса, қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

4-1-жадвал

Газлар	μ_{cv}	μ_{cp}	μ_{cv}	μ_{cp}	$\frac{c_p}{c_v} = \kappa$
	КЖ (кмоль·К)		20 Ккал/(кмоль·К)		
Бир атомли	12,56	20,93	3	5	5/3=1,666
Икки атомли	20,93	29,31	5	7	7/5=1,4
Уч ва кўп атомли	28,31	37,68	7	9	9/7=1,285

Ҳақиқий ва ўртача моляр иссиқлик сиғимларининг 0-1000 °С қароратлар оралиғида қийматини қисоблаш учун интерполяцион формулалари жадвалда берилган.

4-2-жадвал

Газлар	P=const даги ҳақиқий иссиқлик сиғими, КЖ/ (кмоль·К)	P=const даги ўртача иссиқлик сиғими КЖ/(кмоль·К)
N ₂	$\mu_{cp}=28,5372+0,0005390 \cdot t$	$\mu_{cp}^0=28,7340+0,002349 \cdot t$
O ₂	$\mu_{cp}=29,5802+0,006971 \cdot t$	$\mu_{cp}^0=2920,80+0,004072 \cdot t$
H ₂	$\mu_{cp}=28,3446+0,003152 \cdot t$	$\mu_{cp}^0=28,7210+0,001201 \cdot t$
CO ₂	$\mu_{cp}=28,7395+0,005862 \cdot t$	$\mu_{cp}^0=28,8563+0,00268 \cdot t$
SO ₂	$\mu_{cp}=41,3597+0,013204 \cdot t$	$\mu_{cp}^0=38,3955+0,010584 \cdot t$
SO ₂	$\mu_{cp}=42,8728+0,013204 \cdot t$	$\mu_{cp}^0=40,4386+0,009956 \cdot t$
Қаво	$\mu_{cp}=28,7558+0,005721 \cdot t$	$\mu_{cp}^0=28,8270+0,002708 \cdot t$
H ₂ O (буғи)	$\mu_{cp}=32,8367+0,011661 \cdot t$	$\mu_{cp}^0=33,1494+0,005275 \cdot t$

Масалалар

21. Қавонинг иссиқлик сиғими ҳароратга боғлиқ эмас деб қисоблаб, унинг доимий босимдаги ва доимий

Ўқажмдаги, массавий ва ўқажмий иссиқлик сизимларини аниқланг.

$$\begin{aligned} \text{Жавоб: } C_v &= 0,722 \text{ кЖ/кг}\cdot\text{К}; C_p = 1,012 \text{ кЖ/кг}\cdot\text{К}; \\ C'_v &= 0,935 \text{ кЖ/кг}\cdot\text{К}; C'_p = 1,308 \text{ кЖ/кг}\cdot\text{К}. \end{aligned}$$

22. Ўқарорат боғлиқлигига эътибор бермасдан кислороднинг доимий ўқажмдаги ва доимий босимдаги массавий иссиқлик сизимини аниқланг.

$$\text{Жавоб: } C_v = 0,655 \text{ кЖ/кг}\cdot\text{К}; C_p = 0,916 \text{ кЖ/кг}\cdot\text{К}$$

23. $c = \text{const}$ деб ҳисоблаб, кислороднинг босими ва ҳажми ўзгармагандаги ҳажмий иссиқлик сизимини аниқланг.

Ечиш: Икки атомлик газлар учун:

$$\mu C_v = 20,93 \text{ кЖ/кмоль}\cdot\text{К}$$

$$\mu C_p = 29,31 \text{ кЖ/кмоль}\cdot\text{К}$$

$$\text{Демак: } C'_v = \frac{\mu C_v}{22,4} = \frac{20,93}{22,4} = 0,9341 \text{ кЖ/м}^3 \cdot \text{К}$$

$$C'_p = \frac{\mu C_p}{22,4} = \frac{29,31}{22,4} = 1,308 \text{ кЖ/м}^3 \cdot \text{К}$$

24. Углерод оксид газининг ҳажми ўзгармаганда $(\mu C_{pm})_0^{1200} = 32,192$ кЖ/кмоль·гр бўлгандаги $0 \div 1200^\circ\text{C}$ ҳароратлар оралигидаги ўртача массавий ва ўртача ҳажмий иссиқлик сизимини аниқланг, Ечиш:

$\mu C_p - \mu C_v = \mu R \approx 8,314$ кЖ/кмоль·гр ифодасидан $\mu C_v \int_0^{1200}$ ни аниқлаймиз:

$$\mu C_v \int_0^{1200} = \mu C_p \int_0^{1200} - 8,314 = 32,192 - 8,314 = 23,877 \text{ кЖ/кмоль}\cdot\text{гр}$$

$$\mu C_{vm} \int_0^{1200} = \frac{\mu C_v \int_0^{1200}}{\mu_{co}} = \frac{23,877}{28} = 0,8528 \text{ кЖ/кг}\cdot\text{гр}$$

$$\mu C_{vm} \int_0^{1200} = \frac{\mu C_v \int_0^{1200}}{22,4} = \frac{23,877}{22,4} = 1,0659 \text{ кЖ/м}^3 \cdot \text{гр}$$

25. $200 \div 800^\circ\text{C}$ хароратлар оралигидаги босим ўзгармаганда ҳавонинг ўртача иссиқлик сигимини аниқланг, бунда иссиқлик сигимини хароратга боглиқлигини чизикли эмас деб ҳисобланг.

Ечиш:

$$C_{pm} \int_{t_1}^{t_2} = \frac{C_{pm} \int_0^{t_2} \cdot t_2 - C_{pm} \int_0^{t_1} \cdot t_1}{t_2 - t_1} \quad \text{ифода бўйича аниқланади. Бунинг}$$

$$\text{учун } 800^\circ\text{C} \rightarrow C_{pm} \int_0^{800} = 1,0710; \quad 200^\circ\text{C} \rightarrow C_{pm} \int_0^{200} = 1,0115$$

қийматларни ҳаво учун жадвалдан аниқлаб оламиз:

$$C_{pm} \int_{200}^{800} = \frac{1,0710 \cdot 800 - 1,0115 \cdot 200}{800 - 200} = 1,091 \text{ кЖ/кг} \cdot \text{гр}.$$

V БОБ ТЕРМОДИНАМИКАНИНГ БИРИНЧИ ҚОНУНИ

Фанни ўрганишни бошлаганимизда, техник термодинамика иккита асосий қонунга асосланади, деб айтган эдик.

Энергиянинг сақланиш қонунига биноан, энергия йўқдан бор бўлмайти, бордан йўқ бўлиб кетмайти, бир турдан иккинчи турга ўтайти. Бундай ўтишда, энергия бир турининг муайян миқдори, иккинчи тур энергиянинг шунга тенг миқдorigа айланади. Термодинамиканинг биринчи қонуни моқияти жикатидан энергиянинг сақланиш қонунидир. У системага келтирилган иссиқлик миқдори, унинг ички энергияси ва системасининг бажарилган иши орасидаги мисдорий боглиқликни белгилаб беради.

Шунга асосланиб, уни қуйидагича таърифлаш мумкин. Системага келтирилган иссиқлик миқдори,

унинг ички энергиясини ўзгартириш ва иш бажариш учун сарф бўлади.

$$Q=(U_2-U_1)+L \quad (5.1)$$

Q - системага келтирилган иссиқлик миқдори;

U_1 - жараён бошланишидаги системанинг ички энергияси;

U_2 - жараён охиридаги системанинг ички энергияси;

L - системанинг бажарган иши.

Агар биринчи қонунни дифференциал шаклда ифодаласак ва газ бажарган ишни 1 кг газ учун тааллуқли десак, у қолда (5.1) тенгламани қуйидагича ёзишимиз мумкин.

$$dq=du+dl \quad (5.2)$$

$$dl=pdV \quad (5.3)$$

десак, унда тенгламани қуйидагича ёзамиз.:

$$dq=du+pdV \quad (5.4)$$

(5.4) тенглама термодинамиканинг биринчи қонунини аналитик кўриниши яъни ички энергия кўринишидаги ифодасидир.

Энди термодинамиканинг биринчи қонуни аналитик кўринишини энтальпия ёрдамида ёзилишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун икки соннинг дифференциаллигини ёзамиз:

$$d(pv)=pdv+vdp \quad (5.5)$$

ундан

$$pdV=d(pV)-Vdp \quad (5.6)$$

(5.6) тенгламани қисобга олиб,

$$dq=dU+d(pV)-VdP \quad (5.7)$$

(5.7) тенгламани қисобга олиб, суйидагича ёзамиз:

$$dq=d(u+pV)-Vdp \quad (5.8)$$

$$u+pV=h \quad (5.9)$$

деб белгилаймиз, натижада қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$dq=dh-Vpd \quad (5.10)$$

(5.10) тенглама термодинамика биринчи қонунининг энтальпия ёрдамида ёзилишидир.

Масалалар

26. Қенгайиш жараёнида 1 кг кислородга 262 кЖ иссиқлик келтирилаяпти. Агар унинг қарорати жараён натижасида 950 °С пасайса, газнинг бажарган иши нимага тенг? Иссиқлик сиғимининг қароратга боғлиқлигини қисобга олманг.

Жавоб: 200 кЖ/кг .

Ечиш:

1. Кислород учун (икки атомли газ)

$$\mu C_v = 20,93 \text{ кЖ/кмоль} \cdot \text{К}$$

$$C_v = \frac{\mu C_v}{\mu_{O_2}} = \frac{20,93}{32} = 0,635 \text{ кЖ/кг} \cdot \text{К}$$

$$\Delta U = C_v \cdot \Delta t = 0,635 \cdot 950 = 612,4 \text{ кЖ/кг}$$

$$l = q - \Delta U = 262 - 61 = 201 \text{ кЖ/кг.}$$

27. 10 кг нефть мойи қизитилса ва аралаштириб турилса, қарорати қандай ўзгаради? Бунда келтирилаётган иссиқлик миқдори $Q=200$ кЖ ва аралаштириш иши $L=36$ кЖ. Мойнинг иссиқлик сиғими 2 кЖ/кг тенг.

Жавоб: $\Delta t = 11,8^\circ\text{C}$.

28. Қуввати 100 от кучига эга бўлган ички ёнув двигатели, синов пайтида сув билан совитиладиган тормозга уланаяпти.

Агар сувнинг қарорати тормоздан ўтаётганида 400°C га кўтарилса ва иссиқликнинг 15% и тормоздан қаво билан атроф- муқитга олиб кетилаётган бўлса, совитувчи сувнинг сарфини топинг.

Жавоб: 0,373 кг/с.

29. Қуввати 500 МВт буғ турбинали электростанция, ёниш иссиқлиги $Q_p = 33,5$ МЖ/м³ бўлган табиий газни соатига 145000 м³ сарфлаётган бўлса, унинг ФИК ни аниқланг.

Жавоб: 37%.

28. Электростанциянинг козонхонасида 10 соатлик иш давомида ёниш иссиқлиги $Q_p = 29300$ кЖ бўлган 100 т тошкўмир ёқилган.

Агар иссиқлик энергиясини электр энергияга айлантириш жараёнининг ФИК 20% ни ташкил қилса, ишлаб чиқарилган электроэнергиянинг миқдорини ва станциянинг ўртача қувватини топинг.

Жавоб: 162780 кВт/с; $N_{\text{ўр}} = 16278$ кВт.

30. Қарорати 20°C 2 л суви бор идишга қуввати 800 Вт электр қизитгич жойлаштирилган. Сувнинг қайнаш қарорати 100°C гача қизиши учун қанча вақт керак бўлади?

Идишнинг атроф-муқитга йўқотадиган иссиқлигини қисобга олманг.

Жавоб: $t=30$ мин.

IV БОБ

ТЕРМОДИНАМИКА ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАҚЛИЛИ

6.1. ЖАРАЁНЛАРНИ ТЕКШИРИШДАГИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Ќам ўзаро ўам атрофдаги муўит билан таъсирлашиб турувчи материал жисмлар тўпламини термодинамик система дейилади, кўриб чиқилаётган система чегарасидан ташқари бўлган барча материал жисмларни ташқи муўит деб аталади.

Агар ўолат параметрларидан лоўқал биттаси ўзгарса, у ўолда системанинги ўолати ўзгаради, яъни кўриб чиқилаётган системанинги ўзгарадиган ўолатларидан иборат бўлган термодинамик жараён содир бўлади.

Агар система тоза моддадан иборат бўлса, унинг ўолати юқорида айтиб ўтилганидек, p , v ва T координаталари системасида бирор бир сирт билан тасвирланади, параметрларни ўзгаришини тасвирловчи эгри чизикларни жараённинг эгри чизиги деб аталади. Жараён эгри чизигининги ўар қайси нуқтаси системанинги мувозанатдаги ўолатини характерлайди. Фақат система мувозанатдаги ўолатларнинг узлуксиз кетма-кетлигидан иборат жараёнларни график тасвирлаш мумкин.

5 та асосий жараёнлар мавжуддир. Улар кўйидагилар:

1. $P=\text{const}$ - изобарик жараён;
2. $V=\text{const}$ - изохорик жараён;
3. $T=\text{const}$ - изотермик жараён;

4. $dq=0$, $S=\text{const}$, $pV^\kappa=\text{const}$ - адиабатик жараён;
5. $C_n=\text{const}$, $pV^n=\text{const}$, $n=+\infty$ - политропик жараён.

Бутун жараён давомида системанинг қарорати ўзгармасдан қоладиган мувозанатдаги жараён, изотермик жараён дейилади. Тоза сувнинг очик идишда қайнаш жараёни изотермик жараёнига мисол бўла олади: то идишдаги сув қайнаб тугамагунча сув қарорати амалда ўзгармайди (агар қайнаш жараёнида атмосфера босими ўзгармаса).

Ўзгармас босимда содир бўладиган мувозанатдаги жараён и з о б а р и к жараён деб аталади. Очик идишдаги сувнинг иситилишини изобарик жараёнга мисол қилиб келтириш мумкин: сувнинг қарорати ортади ва унинг солиштирма оғирлиги ўзгаради.



Ўзгармас қажмда содир бўладиган мувозанатлашган жараён изохорик жараён деб аталади. Сувнинг герметик ёпиқ идишда иситилиши изохорик жараёнга мисол бўла олади.

ИЗОХОРИК ЖАРАЁН

Қажм ўзгармайдиган жараёнга изохорик жараён дейилади.

$$V=\text{const} \quad (6.1)$$

Диаграммаларда қуйидагича чизилади.



а
б

1-расм а) $V = \text{const}$ жараёнининг б) $V = \text{const}$
 жараёнининг
P-V диаграммасы
T-S диаграммасы

Параметрлар орасидаги боғланиш.

Бунинг учун изохорик жараёни содир бўлишида газнинг 1 ва 2-чи нукталари учун қолат тенгламасини ёзамиз.

$$P_1 V_1 = RT_1 \quad (6.2)$$

$$P_2 V_2 = RT_2 \quad (6.3)$$

(6.2) ва (6.3)ни бўлиб қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$\frac{P_1}{P_2} = \frac{T_1}{T_2} \quad (6.4)$$

Ички энергиянинг ўзгариши:

$$dU = C_v dT \quad (6.5)$$

$$dU = C_v (T_2 - T_1) = C_v (t_2 - t_1) \quad (6.6)$$

Жараённинг иши:

$$L = \int_{V_1}^{V_2} p dV \quad (6.7)$$

Термодинамиканинг биринчи қонунига биноан

$$dq = dU + dl$$

$V = \text{const}$ жараён бўлгани учун,

$$dl = 0 \quad (6.8)$$

$$dq = du, \quad (6.9)$$

$$q_v = C_v dt, \quad (6.10)$$

Жараённинг тақлилидан маълумки, сарфланган иссиқлик жараёни фақат ички энергиянинг ўзгариши учун сарф бўлади.

Масалалар

31. Ёпиқ идишда ҳарорати $t_1 = 10^\circ\text{C}$ ва сийракланиши $P_1 = 20$ мм сим.уст. бўлган газ жойлашган. Барометр 75 кПа ни кўрсатяпти. Газ совитилгандан кейин сийракланиш 150 мм сим.уст. га тенг бўлиб қолди.

Газнинг охириги ҳароратини топинг.

Жавоб: $t_2 = - 40,4^\circ\text{C}$.

32. Ҳажми $V = 0,5\text{ м}^3$ идишда, босими $P_1 = 6$ МПа ва ҳарорати $t_1 = 527^\circ\text{C}$ CO_2 гази жойлашган. Агар ундан 420 кЖ иссиқлик олиб кетилса, босим қанчага ўзгаради?

Жавоб: $P_2 = 0,42$ МПа.

33. Бошланғич параметрлари 0,3 МПа, 15°C ва $0,8\text{ м}^3$ бўлган ҳавонинг босимини доимий ҳажмда то 0,1 МПа гача камайтириш учун қанақа ҳароратгача совитиш керак? Бунинг учун қанча иссиқликни олиб кетиш керак?

Ҳавонинг иссиқлик сифимини доимий деб қисобланг.

Жавоб: $t_2 = - 177^\circ\text{C}$; $Q = - 329$ кЖ

Ечиш:

1. Ҳолатнинг тенгламасидан ҳавонинг массасини топамиз:

$$M = \frac{P_1 V_1}{RT_1} = \frac{0,3 \cdot 10^6 \cdot 0,8}{287 \cdot 288} = 2,9 \text{ кг.}$$

2. Охирги ҳарорат

$$\frac{P_1}{P_2} = \frac{T_1}{T_2} \quad T_2 = \frac{P_2 T_1}{P_1} = \frac{0,1 \cdot 288}{0,3} = 96 \text{ K}; \quad t_2 = -177^\circ \text{C}$$

3. Олиб кетилиши керак бўлган иссиқлик

$$Q = MC_{vm} (t_2 - t_1) \text{ бу ерда}$$

$$C_{vm} = \frac{\mu C_v}{\mu} = \frac{20,93}{28,95} = 0,722$$

$$Q_v = 2,9 \cdot 0,722 \cdot 10^3 \cdot (-177 + 15) = -329 \text{ кЖ}$$

34. Диаметри 0,4 м цилиндрда, босими 0,29 МПа ва ҳарорати 15°C бўлган 80 л ҳаво жойлашган.

Ҳавонинг иссиқлик сиғимини доимий деб ҳисобланган ҳолда, агар ҳавога 83,7 кЖ иссиқлик келтириляётган бўлса, поршень жойига силжимасдан қолиши учун унга таъсир қилаётган кучини қанчага ошишини аниқланг.

Ечиш:

1. Ҳавонинг массасини топамиз $80 \text{ л} = 0,08 \text{ м}^3$

$$M = \frac{P_1 V_1}{RT_1} = \frac{0,29 \cdot 10^6 \cdot 0,08}{287 \cdot 288} = 0,28 \text{ кг}$$

2. Ҳавонинг охирги ҳароратини, t_2 деб,

$$Q_v = MC_{vm} (t_2 - t_1)$$

$$t_2 = t_1 + \frac{Q}{MC_{vm}} + 15 + \frac{83,7}{0,28 \cdot 0,722} = 418,5^\circ \text{C}$$

3. Босим

$$\frac{P_1}{P_2} = \frac{T_1}{T_2} \quad P_2 = \frac{P_1 T_2}{T_1} = \frac{0,29 \cdot 10^6 (418,5 + 273)}{288} = 0,66 \text{ МПа}$$

4. Поршенга таъсир қилиши керак бўладиган кучнинг ортиши:

$$G = P_2 \cdot F = 0,66 \cdot 10^6 \frac{\pi d^2}{4} = \frac{706 \cdot 10^3 \cdot 3,14 \cdot 0,16}{4} = 85,5 \cdot 10^3 \text{ Н}$$

35. Қозон қурилмасининг тутун газлари ҳаво қизитгич орқали ўтиб кетяпти. Газларнинг бошланғич ҳарорати $t_{г1}=300^\circ\text{C}$, охириги $t_{г2}=160^\circ\text{C}$, газнинг сарфи 1000 кг/соат га тенг. Ҳавонинг бошланғич ҳарорати $t_{х1}=15^\circ\text{C}$ ва сарфи 910 кг/соат.

Агар ҳаво қизитгичнинг йўқотиши 4 % бўлса, қизиган ҳавонинг ҳароратини топинг. Қозондан чиқиб кетаётган тутун газларининг ва ҳавонинг ўртача иссиқлик сиғимларини ($C_{рм}$) тегишли равишда 1,0467 ва 1,0048 кЖ/кгК ларга тенг деб қабул қилинг.

$$\text{Жавоб: } t_{х2}=168,9^\circ\text{C}.$$

37. Ички ёнув двигателининг цилиндрида ҳарорати 500°C ҳаво жойлашган. Иссиқлик келтирилиши натижасида қавонинг қажми 2,2 баробар ошди. Қавонинг кенгайиш жараёнида босим деярли ўзгармай қолди.

Қавонинг охириги ҳарорати, солиштирма иссиқликни ва ишни топинг. Иссиқлик сиғимини ҳароратга эгри чизиқли боғлиқ деб қисобланг.

$$\text{Жавоб: } t_2 = 1428^\circ\text{C}; q_p = 1088,7 \text{ кЖ/кг};$$

$$l = 266,3 \text{ кЖ/кг}.$$

38. Компрессордан чикаётган 190°C ли қаво совитгичда доимий $P=0,5 \text{ МПа}$ босимда то 20°C ҳароратгача

совитиляпти. Ушбу параметрларда компрессорнинг унумдорлиги $30 \text{ м}^3/\text{соатга}$ тенг.



Совитувчи сувнинг харорати 10°C га ошган бўлса, унинг соатига бўладиган сарфини топинг.

Жавоб: 733 л/соат .

ИЗОБАРИК ЖАРАЁН

Термодинамик жараёнда босим ўзгармасдан қоладиган жараёнга изобарик жараён дейилади ва куйидаги тенглама орқали ёзилади, $P = \text{const}$

Бу жараённи ишчи ва иссиқлик диаграммада куйидагича чизилади:



2-расм. а) $P = \text{const}$ жараёнининг жараёнининг

P - V диаграммаси

б) $P = \text{const}$

T - S диаграммаси

Газларнинг қолат тенгламасига биноан, бошланғич ва охири нуқталар учун:

$$P_1 V_1 = RT_1 \quad (6.11)$$

$$P_2 V_2 = RT_2 \quad (6.12)$$

(6.11) ни (6.12) га бўлиб, куйидагини ҳосил қиламиз.

$$\frac{V_1}{V_2} = \frac{T_1}{T_2}; \quad \frac{V_1}{T_1} = \frac{V_2}{T_2} = \text{const} \quad (6.13) \text{ Гей-Люссак қонуни}$$

Ички энергиянинг ўзгариши қуйидагича ёзилади:

$$dU = C_v dT; \quad \Delta U = C_v (T_2 - T_1) = C_v (t_2 - t_1) \quad (6.14)$$

Жараённинг ишини қуйидагича ёзамиз.

$$dl = p dV, \quad l = p (V_2 - V_1) \quad (6.15)$$

Жараённи иссиқлиги:

$$dq = dU + dl \quad 31$$

$$(6.16);$$

$$Q_p = C_p dT \quad (6.17);$$

$$Q_p = C_p (T_2 - T_1) \quad (6.18);$$

Жараённинг тақлили шуни кўрсатдики, берилган иссиқлик миқдори қисман иш, қисман ички энергиянинг ўзгариши учун сарфланади.

Масалалар

39. Қозон қурилмасининг ҳаво қизитгичида ҳаво 20°C дан то 250°C гача, 0,1 МПа доимий мутлас босимда иситиляпти. Ҳавонинг иссиқлик сиғимининг ҳароратга боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, 1 кг ҳавони иситиш учун сарф бўладиган иссиқликни ва ҳавонинг кенгайиши натижасида бажариладиган солиштирма ишни аниқланг.

$$\text{Жавоб: } q = 234,6 \text{ кЖ/кг; } L = 66 \text{ кЖ/кг.}$$

Ечиш:

1. Қизитилаётган ҳавонинг кўрсатилган оралис учун доимий босимдаги ва ҳажмдаги массавий иссиқлик сиғимини $\mu C_{pm} \Big|_{20}^{250}$ топамиз:

а) бунинг учун жадвалдан

$$\mu C_p \Big|_0^{250} = 28,827 + 0,002708 \cdot 250 = 29,504 \text{ кЖ/кмол} \cdot \text{К}$$

$$\mu C_p \Big|_{20}^{250} = 28,827 + 0,002708 \cdot 20 = 28,881 \text{ кЖ/кмол} \cdot \text{К}$$

Кейин

32

$$\mu C_{pm} \Big|_{20}^{250} = \frac{29,504 \cdot 250 - 28,81 \cdot 20}{250 - 20} = \frac{7376 - 577,62}{230} = 29,5581$$

кЖ/кмоль·К

? = 28,95 кГ/кмоль; $R = 0,287195 \text{ кЖ/кг} \cdot \text{К}$.

б) $C_p \Big|_{20}^{250}$ га қийматни аниқлаймиз.

$$\mu C_{pm} \Big|_{20}^{250} = \frac{\mu C_p \Big|_{20}^{250}}{\mu} = \frac{29,558}{28,95} = 1,021 \text{ кЖ/кг} \cdot \text{К}$$

в) Майер қонунига асосан

$$C_p - C_v = R \text{ дан: } C_v \Big|_{20}^{250} = C_p \Big|_{20}^{250} - R = 1,021 - 0,287 = 0,734 \text{ кЖ/кг} \cdot \text{К}$$

2. $P = \text{const}$ жараёнида сарф бўладиган иссиқлик миқдори

$$q_p = C_{pm} \Big|_{20}^{250} (t_2 - t_1) = 1,021 \cdot 230 = 234,83 \text{ кЖ/кг}$$

1. $P = \text{const}$ жараёнда кенгайиш иши:

$$l = p(v_2 - v_1) = R(T_2 - T_1)$$

ёки биринчи қонунга асосан

$$l = q - \Delta U$$

а) Агар биринчи усул бўйича ҳисобласак, қолат тенгламасидан ҳавонинг бошланғич ва охириги солиштирма қажмларини топишимиз зарур.

$$v_1 = \frac{RT_1}{P_1} = \frac{287,195(20 + 273)}{0,1 \cdot 10^6} = 0,842 \text{ м}^3/\text{кг}$$

$$v_2 = \frac{RT_2}{P_2} = \frac{287,195(250 + 273)}{0,1 \cdot 10^6} = 1,502 \text{ м}^3/\text{кг}$$

Унда:

$$l = P(v_2 - v_1) = 0,1 \cdot 10^6(1,502 - 0,842) = 0,66 \cdot 10^6 = 66,0 \text{ кЖ/кг};$$

б) Агар биринчи қонун бўйича топмоқчи бўлсак, жараён давомида ички энергиянинг ўзгаришини аниқлашимиз керак:

$$\Delta U = c_{vm}(T_1 - T_2) = 0,734 \cdot (523 - 293) = 168,774 \text{ кЖ/кг}$$

$$\text{унда } l = q - \Delta U = 234,83 - 168,774 = 66,056 \text{ кЖ/кг}.$$

40. Ички ёнув двигателида, доимий босимда ёниш жараёнида, газнинг ҳарорати $t_1 = 1500^\circ\text{C}$ гача ошяпти.

Газ ҳавонинг хоссаларига эга деб, 1 кг газнинг кенгайиш ишини аниқланг.

Жавоб: 287 кЖ.

41. Газга, доимий босимда келтирилаётган иссиқлик, унинг ички энергиясини ? згаришига ва иш бажаришга сарф бўлаяпти. Агар изобар қиздирилаётган 1 кг ҳавонинг кенгайиш иши 20,5 кЖ ни ташкил қилса,

келтириладиган иссиқлик миқдорини ва ҳаво ҳароратининг ўзгаришини аниқланг. Иссиқлик сиғимини доимий деб ҳисобланг.

Жавоб: $\Delta t = 71,4^\circ\text{C}$; $Q = 71,8 \text{ кЖ/кг}$.

